

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2014 йилнинг 1 сентябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,12 барабар оширилсин.
2. 2014 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи – ойига 107 635 сўм; ёшга доир пенсиялар – ойига 210 525 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 210 525 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 129 180 сўм миқдорига белгилансин.
3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2014 йилнинг 1 сентябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.
4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим масоалари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.
5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридagi бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ҳўжалик ҳисобидagi корхона ва ташкилотлар 2014 йилнинг 1 сентябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 2 декабрдаги ПФ-4582-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2014 йилнинг 1 сентябридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2014 йил 31 июль.

Абитуриент – 2014

Бу йил Тошкент Давлат аграр университетида 20 та таълим йўналиши бўйича жами 14 минг 144 абитуриент ҳужжат топширди. Шулардан 388 нафари Давлат гранти ва 1077 нафари тўлов-шартнома асосида талабалик сафига қабул қилинади.

Кеча эрта тондан кўчалар гавжум, автобуслар тирбанд. Пўрим кийинган йигит-қизлар ўзлари таълим олишни оруз қилган олий ўқув юртлирига ошиқишмоқда. Улардаги шижоат, билимга чанқоқлик, куч-ғайратга ҳавасингиз келади. Тошкент Давлат аграр университети ҳам шундай ёшларни ўз бағрига олди. Худуд минглаб ёшлар ва уларнинг ота-оналари билан гавжум. Талабалikka даввогарлик қилаётган ёшларнинг кўзлари хаяжондан порлайди. Ва, ниҳоят, улар тест топшириш учун аудиторияларга бирма-бир кира бошлашди.

(Давоми 3-бетда).

ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ БИЛАН



Дехқон хўжалиги

ХУРСАНД ОТАНИНГ МЎЪЖИЗАСИ

Буюк ўзбек адиби Саид Аҳмаднинг ҳикояларидан бири тахминан шундай тавсиф билан бошланади: "Асл дехқон астойдил жазм этса, шолғомни томга экиб, ҳосилини бўғотнинг тагидан сугуриб олар экан..." Бу ўткир ёзувчи-

нинг миришкор дехқон таърифидаги кучли бўрттирмаси. Аммо бугун шундай дехқонлар борки, ёзувчининг муболагасисиз ҳам тоғнинг хийла қия бағирларида ҳақиқий мўъжиза яратишяпти.



Хусусан, паркентлик 74 ёшли Хурсанд ота Қурбоналиев ўгли Фурқат ва келини Дилдора билан "оёқ турмас" қияликларда барпо этган боғ ва тоқорлар, барқуриб ривожланаётган картошка, помидор каби турли сабзавотлар мақтов юртимиз сарҳадларидан ошиб, хориж мамлакатларда ҳам оғизга тушди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, Америкадан келган бир гуруҳ мутахассислар Хурсанд ота ишларидан хабар топиб, атайлаб бориб кўрдилар ва қойил қолдилар.

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

Мустақилликка эришганимиздан сўнг барча соҳаларда катта ўзгаришлар юз бериб, турмушимиз тобора фаровонлашиб бормоқда. Юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, бозорларимиз ва тўй дастурхонларидаги тўқин-сочинлик шундан далолат бераёпти. Миллий урф-одатлар, удуум ва анъаналаримизнинг тикланганлиги ҳаётимизга ўзгача мазмун киритди.

ДАБДАБА ОБРЎ КЕЛТИРАДИМИ?

Тўйларимиз янгича қиёфа касб этди. Шу аснода ортиқча исрофгарчиликлар ҳам юзага кела бошлади. Президентимиз тўй, маросим ва маъракалардаги ортиқча исрофгарчиликларнинг олдини олишга оид фармон қабул қилганларидан сўнг олди-берди ва удуумлар изга тушиб, меъёрлашди. Вақт ўтгани сайин кўпчилик оилалар тўйдан кейинги кўп маблағ талаб этадиган қудаларнинг қувё уйда тунаб қолиши, келинсалом, чаллар, куда, қувё чақирик, келин ҳайити каби удуумлар ортиқча эканлигини тушуниб этди. Айримлар бу ма-

росимларни оилавий ўтказмоқда. Зангиота тумани Эшонгузар қўрғонидagi "Нурафшон" маҳалласида яхши бир янгиллик кулоч ёйди. Муҳамедовлар оиласида бўлиб ўтган тўй бежизга "Китоб келин сепи" деб номланмади. Миллий кийимда бор латофати билан атрофга нур таратиб турган келинчака онаси бир сандиқ сеп эмас... китоблар совға қилди. Тўй ортиқча дабдабасиз, ихчам, ёдда қоларли ўтди. Асосийси, китоб билан ёшларнинг маънавияти бойиди.

(Давоми 4-бетда).

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ КЎРИШДА ХАЛҚ МАСЛАХАТЧИЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТИ ТОБОРА ЮКСАЛМОҚДА

Президентимиз: "Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим. Бунинг учун, биринчидан халқ маслаҳатчилари тизимини ислоҳ қилиш зарур. Фуқароларнинг одил судловни ўтказишда қатнашуви – демократик жамиятнинг асосий принципларидан биридир. Демократия ривожланган кўпгина мамлакатларда профессионал суд билан бир қаторда ҳолис, ҳалол маслаҳатчилар иштирокидаги судлар муваффақиятли ишлаб турибди. Биз ана шу тажрибани ҳам ўрганишимиз керак. Суд ишларини кўриб чиқишга одамлар ўртасида ҳурмат ва ишонч

қозонган обрўли, маърифатли фуқароларни фаолроқ жалб этиш мақсада мувофиқдир. Сир эмас, кўп ҳолларда ташкилотлардан иккинчи даражали одамлар судга маслаҳатчи қилиб юборилади... Судда инсон тақдири ҳал бўлади! Бунга чек қўйиш керак", деган эди.

Дарҳақиқат, судларда жиноят ишларини кўришда халқ маслаҳатчиларининг асосий роли таътигани одил судловнинг ошқоралигини таъминлашга ва фуқароларнинг суд ҳокимиятига ишончини янада оширишга хизмат қилмоқда. Бу кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари бораётган давлатимизнинг асосий принципларига тўлиқ мос келади. Айтиш жоизки, мустақил-

лик йилларида мамлакатимизда суд соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг ва тизимда қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва судларда жиноят ишларини кўришда ошқоралик ва ҳолисликни таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Амалдаги қонунчиликда, хусусияти ва ижтимоий ҳавфлилик даражасига кўра, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар биринчи инстанция судларида судья томонидан ақва тартибда, оғир ва ўта оғир жиноятлар эса ҳайъатда, раислик этувчи судья ва икки нафар халқ маслаҳатчисидан иборат таркибда кўриб чиқилади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистонни сиёсий ва конституциявий жиҳатдан янада ривожлантиришга доир муҳим қонунчилик та-

САЙЛОВГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШУВИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ОЛДИГА ЯНГИ ВАЗИФА ВА МАҚСАДЛАР ҚЎЯДИ

Ушбу янгилликлар биринчидан, мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ислохотлар талаби, иккинчидан, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қўйилган вазифалар асосига қурилган. Конституциявий ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти тўрт йўналишда бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- парламентар ваколатларини янада кенгайтириш;
- жамоатчилик назоратига конституциявий мақом бериш;

монидан илгари сурилган натижа-сида мамлакат Асосий Қонунининг 32, 78, 98, 103 ва 117-моддаларига муҳим ўзгаришлар киритилди.

– ижроия ҳокимиятининг масъулиятини оширишга қаратилган нормаларни белгилаш;

– демократик кадрятларнинг мукамал кўриниши бўлиши сайловларни ўтказишга масъул, яъни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини шакллантиришнинг демократик тизими, фаолиятининг асосий принциплари конституциявий даражага кўтарилди.

Ушбу конституциявий ўзгаришлардан 117-модда, яъни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини шакл-

лантириш билан боғлиқ янгилликларнинг мазмуни ва у билан боғлиқ қонун ҳужжатларининг такомиллашуви тўғрисида қўйилган вазифалар ташкил этилишида вакиллик органларида сайлов ҳар беш йилда бўлиб ўтиши мустаҳкамланган. Ҳар галги сайловлар ташкил этилишида амалдаги қонунчилик қайтадан кўриб чиқилади, зарур ҳуқуқий меъёрлар, аниқлаштирувчи нормалар киритиб борилиши ижобий амалиёт сифатида шаклланган.

(Давоми 2-бетда).

ҒУРУРИМ, ШАҲДИМ, ЖУРЪАТИМ, ВАТАН!

Вилоят Маънавият тарғибот маркази Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси билан ҳамкорликда республика Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар ўтказмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Қишлоқ мулкдорлари

ҚИШДА ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ

Зангиота туманидаги "Осиё Саховат Глобал" фермер хўжалиги ўзига тегишли ҳудудда бир йўла 1200 тонна мева ва сабзавот маҳсулотлари сақланадиган кучли совуқгич мажмуасини барпо этди.

Бугунги фермер дала ва боғларда нознеъмат етиштириш билан чеклиб қолмаслиги керак, — дейди хўжалик раҳбари Акмал Юнусов. — Шу маҳсулотларни қишга ҳам сақлаб қўйиш учун қишлоқ жойларда йирқи совуқгич хоналар қуриш ва самарали фойдаланиш аграр соҳа ходимлари дадил қўл уриши лозим бўлган муҳим ишдир. Буни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Фермер А. Юнусовнинг ўзи бу талабга биринчилардан бўлиб "лаббай" деб жавоб берди. Тижорат банкидан 750 миллион сўм имтиёзли кредит олди. Мўлжалланган майдон обдон тайёрланди. Хорижнинг етакчи компанияларидан керакли ускуналар сотиб олинди, монтаж қилинди.

Барпо этилган совуқгич мажмуани ҳарорати жўн усудда бошқарилиб, мева, сабзавот маҳсулотларини сархил ҳолда сақлаш учун жуда мос. Мақмули, хатто, 30 даражагача совутиш



имконияти борлиги учун бу ерда гўшт ва гўшт маҳсулотларини ҳам сақлаш мумкин.

Ускуналар биз тасаввур қилганимиздан ҳам аъло даражада ишлаяпти, — дейди мажмуа фаолиятига масъул эҳсис Баҳоидир Мирзакулов. — Энди ён-атрофимиздаги фермер хў-

жалиқларининг маҳсулотларини ҳам қишга бемалол асраса бўлаверди.

Дарвоқе, фермер ушбу лойиҳани амалга ошириш билан қиёқланмай, энди тикучилик цехи очиб хусусида бош қотирапти.

Ўз мухбиримиз, Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Абитуриент – 2014

Тест имтиҳонлари учун 9 та ўқув биносидagi 395 аудитория ажратилди. Ота-оналар учун ошхона, дам олиш ва қутиш жойлари ҳам муҳайё қилинди. Жараёнга 20 нафардан зиёд малакали шифкорлар ҳам бириктирилди. Абитуриентлар орасида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаси билан ҳужжат топширганлар 107 нафар. Бундан ташқари, 25 нафар боқувчисини йўқотган ва 1-2-гурӯх ногиронлари ҳам тест синовларида иштирок этишди.

Тест синовлари учун берилган муддат тугаб, ота-оналар фарзандларининг ёруғ юз билан чиқарилини қутишаёпти. Мана улар бирин-кетин чиқиб кела бошлади. Улардан бирини саволга тутдик.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ БИЛАН

— Математика, физика, она тили ва адабиёт бўйича 36 тадан савол бор экан, — деди Қибрай тумани Чинобод қишлоғида яшовчи Феруза Турғунова. — Кўп саволларни еча олдим, ўқишга киришимга ишонаяман. Боиси, саволларнинг барчаси мактаб ва коллежда олган билимларим бўйича тузилган экан.

Давлат тест маркази тақдим этган маълумотга кўра, имтиҳон натижалари август ойининг иккинчи ўн кунлигида эълон қилинади.

Муқаддас ИСРОИЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири. Қобилжон ҒОҒУРОВ олган суратлар.



Эгрилик ҳамиша панд беради

АВТОУЛОВ ДАРЧАСИ ОЧИҚ ҚОЛГАНДА

Муроджон 27 ёшида илк бор жиноятга қўл уриб, бунинг учун тегишли жазосини ҳам олган. Аммо "Урганган кўнгли ўртанга қўймас" деганларидек, қабиҳ ишларини давом эттираверди. Яна уч бор қора курсига ўтирди. Эси кириб қолар, тўғри йўл топиб, ҳаёти

Шартли жазонинг муддати тугашига 2 йилга 3 ой қолганда, М. Эрматов Кичик халқа йўли кўчасидаги 117-устахона ёнида Р. Мўминовга тегишли "ВАЗ-2106" русумли автомашина салонидagi қора рангли сумка ва унинг ичидagi 31 минг сўм нақд пул, бир қанча ҳужжатларни ўғрилаб, аширди.

"Ёлғиз" қолган автоуловларни тунашга ихтисослаш-

изга тушиб кетар, деган мақсадга унга нисбатан авф ҳам қўлланилди, озодеклардан маҳрум қилиш жазосининг ярми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилди. Афсуски, бунинг ўз вақтида идрок этмади, берилган имкониятдан оқилана фойдаланмади.

ган бу жиноятчи шу тарика қўллаб автомашина эгаларига анчагина моддий ва маънавий зиён етказиши мумкин эди. Аммо наватдаги қилмишга пенига етмай, жинояти фош бўлди.

Қорақамми даҳасидаги "Аъло" тўйхонаси рўпарасида ҳаракатланиб кетаётган "Дамас" русумли машина йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан тўхтади. Хайдовчи ма-

шинадан тушиб, милиция ходимлари томон юрди. Уларга ҳужжатларини кўрсатаётганида, сергак ходимлардан бири хайдовчи машинани ёнида бегона шахс ўралашаётганини пайкаб қолди. Хайдовчига: "Бу одам сиз биланми?" деди. Хайдовчи уни танимай, айни пайтда ўғрилик содир этилаётганини англаб етгунча, жиноятчи жуфтаникни ростлади.

"Бузоқнинг юрггани сомонхонагача" деганларидек, йўл-патруль хизмати ходимлари кўмағида у қўлга олинди. М. Эрматов қисқа фурсатда "Дамас" кабинасидан 200 минг сўм пул ўрамини ўмаришга улгурган экан.

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди ҳукмига кўра, М. Эрматовнинг аввалги "имтиёзлари" ҳам ҳисобга олинди, унга 5 йилга 6 ой муддатга озодеклардан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Шу ўринда ҳақиқат савол туглади: бу қаби қилмишлар содир этилишининг бош омили нимада? Нега бундай қимсалар бамайли-

хотир ўз қабиҳ режаларини амалга ошириб, ўғалар мулкини талон-торож қилмоқда? Шунинг унутмаслигимиз керакки, бу қаби жиноятлар содир этилишига аввало ҳар биримиз айбдоримиз. Ножўя хатти-ҳаракатларга шароит яратиб қўйиб, жабрини ўзимиз кўраемиз. Ҳеч бир иш сабабсиз содир бўлмайди. "Ўзингга эҳтиёт бўл, ўзгари ўғри тутма" дейди халқимиз. Ҳамиша теварак атрофга ва мол-мулкимизга нисбатан ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашимиз даврор.

Шарофиддин ЮСУПОВ, Шайхонтоҳур тумани прокуратораси катта терговчиси.

"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан: 13.01.2014 йилдаги 321/21-сонли арза (буортманомасига асосан: "Дурдона Улкан Қурилиш" МЧЖда сақланаётган: 1. Бошланғич баҳоси – 12 371 119 сўм бўлган 1990 йилда и.ч., дав/рак: 1110238 бўлган "Краз 255" русумли (оқ ташуви); 2. Бошланғич баҳоси – 6 884 164 сўм бўлган 1988 йилда и.ч., дав/рак: 11С3508, бўлган "Краз 255Б1" русумли (оқ ташуви); 3. Бошланғич баҳоси – 13 389 917 сўм бўлган 1990 йилда и.ч., дав/рак: 1113329 бўлган "Краз 256Б1" русумли (оқ ташуви); 4. Бошланғич баҳоси – 16 666 351 сўм бўлган 1991 йилда и.ч., дав/рак: 10С288ДА, бўлган "Камаз 5511" русумли; 5. Бошланғич баҳоси – 13 240 450 сўм бўлган 1980 йилда и.ч., дав/рак: 1116777 бўлган "Камаз 5511" русумли; 6. Бошланғич баҳоси – 10 592 359 сўм бўлган 1985 йилда и.ч., дав/рак: 10У286АА бўлган "Эли ММ3-5402" русумли; 7. Бошланғич баҳоси – 9 730 895 сўм бўлган 1991 йилда и.ч., дав/рак: 11Б4700 бўлган "Эли ММ3-5402" русумли; 8. Бошланғич баҳоси – 17 210 908 сўм бўлган 1991 йилда и.ч., дав/рак: 61-57 ЕР бўлган "Занжири Бульдозер" русумли техник носоз бўлган автотранспорт воситалари аукцион савдоларига қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 8 сентябрь кунини соат 11:00 да ўтказилади. Тошкент вилояти Ўрта

Чирчиқ тумани СИБ томонидан: 13.09.2013 йилдаги Тошкент вилояти судининг ижро вақалат пилини "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ бўлган 2007 йилда и.ч., дав/рак: 10526КАА бўлган "ГАСПТА3322123-414" русумли (микророботбус); техник носоз бўлган автотранспорт воситалари аукцион савдоларига қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 10 сентябрь кунини соат 11:00 да ўтказилади. Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан: 12.04.2014 йилдаги 3369/21-сонли арза (буортманомасига асосан: ТИФ Миллий банк биносида сақланаётган: 1. Бошланғич баҳоси – 18 000 000 сўм бўлган 2007 йилда и.ч., дав/рак: 10527КАА, бўлган "ГАСПТА3322123-414" русумли (микророботбус); 2. Бошланғич баҳоси – 18 000 000 сўм бўлган 2007 йилда и.ч., дав/рак: 1087ЖАА бўлган "ГАСПТА3322123-414" русумли (Микроавтобус); 3. Бошланғич баҳоси – 16 800 000 сўм бўлган 2007 йилда и.ч., дав/рак: 10533КАА бўлган "ГАСПТА3322123-414" русумли (Микроавтобус); 4. Бошланғич баҳоси – 10 200 000 сўм бўлган 2008 йилда и.ч., дав/рак: 10367ДАА бўлган "Лада-21074-110-30" русумли; 5. Бошланғич баҳоси – 21 000 000 сўм бўлган 2007 йилда и.ч., дав/рак: 1087ЮАА бўлган "ГАСПТА3322123-414" русумли (Микроавтобус). Бошланғич баҳоси – 20 000 000 сўм бўлган

Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудда шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2014 йил 30 июлдаги 28-сонли Баённомаси қарори билан:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасига асосан:

1.1 "PIRAMIDA TRANS SERVIS" масъулияти чекланган жамиятига Тошкент вилояти ҳудудда йўловчиларни шаҳарда енгил автомобилларда ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000409 рақамли ҳамда Тошкент вилояти ҳудудда йўловчиларни шаҳарда микроавтобусларда ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000410 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2014 йил 31 июлдан бошлаб 10 (иш) кунига тўхтатилди.

"Respublika mlk markazi" ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Тошкент шаҳар Бектемир тумани ҳокими ижроия маҳкамасининг Молия бўлимининг 24.07.2014 йилдаги 5/298-сонли буортманомасига асосан Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Х. Бойқаро кўчаси, 92-уй манзилида сақланаётган "ГАЗ-310200" русумли, давлат рақами 01/751РАА бўлган, 1997 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 3 954 000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 4 сентябрь кунини соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишининг охири муддати: 2014 йил 2 сентябрь кунини соат 18:00. Автотранспорт воситасининг 4 сентябрдаги савдоси бўлиб ўтмаганда, тақрирӣ савдолар 2014 йил 12, 22 ва 30 сентябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш: 12 сентябрдаги савдо учун 10 сентябрь кунини соат 18:00; 22 сентябрдаги савдолар учун 19 сентябрь кунини соат 18:00; 30 сентябрдаги савдолар учун 26 сентябрь кунини соат 18:00 да тўхтатилади. Савдо гоилиб деб топилган шахсга 15 кун ичида сотувчи билан олди-сотида шартномаси тузиш мажбурияти юқотилади. Савдода иштирок этиш учун арза, зақалат пили тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нхусаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пилини "PIRAMIDA TRANS SERVIS" ЁАЖнинг ОАИТБ бўлган 2007 йилда и.ч., дав/рак: 10526КАА бўлган "ГАСПТА3322123-414" русумли (микророботбус) қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 8 сентябрь кунини соат 11:00 да ўтказилади. Тошкент вилояти Ўрта

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан: 2014 йил 19 февралдаги ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти Янгийўл шаҳри, Анорқулов даҳаси манзилида жойлашган иккисоҳна бийошоотлари тақрирнан савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 242 670 800 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 21 август кунини соат 12:00 да ўтказилади. Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан: 2013 йил 17 ноябрдаги ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Самарқанд кўчаси манзилида

"KOP TARMOQI KO'SHMAS MLK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига "Чинозор тумани СИБ томонидан 06.11.2012 йилдаги 1-2969/2012-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган 1) Бошланғич нархи – 247 280 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қунаева кўчаси, 35-уйда жойлашган, умумий майдони 133,6 кв.м., яшаш майдони 83,9 кв.м.дан иборат 51-хонадон (тураржой) қўйилмоқда; 2) Чинозор тумани СИБ томонидан 16.06.2014 йилдаги 30201/18-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган, Бошланғич нархи – 377 388 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Таниқбойева 2-мавзаси, 3-Б уйда жойлашган, умумий майдони 367,0 кв.м.дан иборат савдо дукони қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2014 йилнинг 5 сентябрь кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада қўйиб ўтади. Ушбу савдоларда катнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда зақалат пилини "KOP TARMOQI KO'SHMAS MLK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотeka банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 2020800010493163500 рақамли тўлашлари шарт. МФО 00425, СТИП 207128747, ОКОНХ 83400. Савдога қўйилган мулк-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вақили иштирокида бевосита жойига кириб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан арза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9:30 дан 17:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан арза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш имконини савдоси ўтказишига бир иш кунини қолганда соат 17:00 да тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-04-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.

"AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

"Agro sanoat mlk markazi" МЧЖда 2014 йил 2 сентябрь кунини соат 11:00 да бошланғич нархи охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйилмоқда. 1. Мирзо Улўбег тумани СИБ томонидан, 2014 йил 11 февраль кунини 129/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мўйиқ кўчаси, 241-уйда сақланаётган, 2009 йилда и.ч., дав. бел. 01/0 190 АА бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 9 486 000 сўм. 2. 1992 йилда и.ч., дав. бел. 10/ AN 808 бўлган "Газ 31029" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 4 012 000 сўм. 3. 2014 йил 9 апрель кунини 11570/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти ИИБ ИХБ жазма майдонидан сақланаётган, 2011 йилда и.ч., дав. бел. 10/770 УАА бўлган "Элика" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 42 532 000 сўм. 2014 йил 19 август кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига қўйилмоқда. 1. Мирзо Улўбег тумани СИБ томонидан, 2011 йил 15 август кунини 25578/5/22-25-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1995 йилда и.ч., дав. бел. 19/А 351 бўлган "SK 24" ярим трикам русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 23 040 350 сўм. 2. Сергели тумани СИБ томонидан, 2013 йил кунини 1-803/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1978 йилда и.ч., дав. бел. 01/054 МСА бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 23 085 000 сўм. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вақили иштирокида бевосита жойига кириб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида катнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиккан кундан бошлаб ҳафтаининг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланғич баҳоси бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида катнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пилини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mlk markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" ОАТБ Мирзо Улўбег филиалидаги қўйилмоқдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208008048004002, МФО 01018, СТИП 302159464. Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшғи кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29. Гувоҳнома: 006388.

Билдириш:

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2014 йил 12 июль 56-сонда чоп этилган хабарномадаги 2000 йилда и.ч., дав. бел. 30/Z 1501 бўлган "Range Rover" автотранспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йили 2005 йил деб ўқилсин. "Agro Sanoat Mulk Markazi" МЧЖ маъмурияти.

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан: 2014 йил 19 февралдаги ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти Янгийўл шаҳри, Анорқулов даҳаси манзилида жойлашган иккисоҳна бийошоотлари тақрирнан савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 242 670 800 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 21 август кунини соат 12:00 да ўтказилади. Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан: 2013 йил 17 ноябрдаги ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Самарқанд кўчаси манзилида

"KOP TARMOQI KO'SHMAS MLK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига "Чинозор тумани СИБ томонидан 06.11.2012 йилдаги 1-2969/2012-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган 1) Бошланғич нархи – 247 280 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қунаева кўчаси, 35-уйда жойлашган, умумий майдони 133,6 кв.м., яшаш майдони 83,9 кв.м.дан иборат 51-хонадон (тураржой) қўйилмоқда; 2) Чинозор тумани СИБ томонидан 16.06.2014 йилдаги 30201/18-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган, Бошланғич нархи – 377 388 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Таниқбойева 2-мавзаси, 3-Б уйда жойлашган, умумий майдони 367,0 кв.м.дан иборат савдо дукони қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2014 йилнинг 5 сентябрь кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада қўйиб ўтади. Ушбу савдоларда катнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда зақалат пилини "KOP TARMOQI KO'SHMAS MLK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотeka банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 2020800010493163500 рақамли тўлашлари шарт. МФО 00425, СТИП 207128747, ОКОНХ 83400. Савдога қўйилган мулк-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вақили иштирокида бевосита жойига кириб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан арза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9:30 дан 17:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан арза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш имконини савдоси ўтказишига бир иш кунини қолганда соат 17:00 да тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-04-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.

"EVENT ALUMINUM" масъулияти чекланган жамияти (СТИР 302994510) ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини масъулияти чекланган жамиятидан хусусий корхонага ўзгартирмоқда (Асос: Жамият таъсисчиларининг 2014 йил 30 июлдаги 03-2014/ЕА-сонли умумий йиғилиши баённомаси). Ушбу ҳолат юзасидан мурожаатлар Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Широқ кўчаси, 100-уй манзили бўйича қабул қилинади.

"BUNYOD ZIYO" МЧЖнинг устав фонди 41 700 000 сўмдан 4 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Тошкент вилояти, Зангиота тумани ТСРҮИ томонидан 23.12.2011 йилда № 000995 рақами билан рўйхатга олинган, Зангиота тумани, Назарбек ҚФЙ, Назарбек кўчаси манзилида жойлашган "ДОКТОР МУБОРАК" (ИНН 207138022, ОКОНХ 71212, ОКПО 23884295) хусусий корхонаси ТУГАТИЛАДИ (Асос: 2014 йил 31 июлдаги 1-сонли Баённома). Давьолар эълон чиккан кундан бошлаб 2 ой давомида 228-59-55 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Зангиота тумани ТСРҮИ томонидан рўйхатга олинган оилавий тадбиркор "Erkaboyev Fatkh Faxhatovich" га тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеряннуо справку (форма № 18, рег. № 4828) от 28.12.2010 г. на помещение по адресу: г. Ташкент, М. Улугбекский р-н, ул. Тепа-Масхид-56, выданную ГУП "Служба землекстроительства и кадастра недвижности г. Ташкент" на ООО "NILUFAR VA SHIRIN", СЧИТАЕТ НЕДЕЙСТВУЮЩИМ.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенатори, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати, «Олмалик кон-металлургия комбинати» ОАЖ Бошқаруви раиси – Бош директори Александр Касимович Фармоновга волидаи муҳтарамаси Раиса Евпатовна ФАРМОНОВАнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлиқ билдиради.

«Олмалик кон-металлургия комбинати» ОАЖ жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенатори, «Олмалик кон-металлургия комбинати» ОАЖ Бош директори Александр Касимович Фармоновга волидаи муҳтарамаси Раиса Евпатовна ФАРМОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

О'zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенатори, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенга

Маънавият

Тўйларимизнинг ихчамлашгани, янги, фойдали анъаналар билан тўйларимизнинг қувончли равиши, албатта. Лекин бир удум ўрнини бошқаси эгаллаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайдми. Масалан, йигит ва кизнинг тўйдан олдинги учрашувини олиб кўрайлик. Авваллари йигит кизни ёқтирса унга бир кийимлик мато, гул ва ширинлик совға қиларди. Ҳозирчи? Кизнинг кўлига тилла узук ёки биллагага қимматбах оғирини тақиб шарт. Камига уяли телефон совға қилиши қайси қолиғи сиғида? Ширинликка қўшиб берилган гулдастани санъат асари дейсиз. Ҳар бир гулига моҳирлик билан шоколад жойланган гулдаста ҳазилкам пул турмайди.

Ижарага олинган кўша-кўша хориж автомашиналари, "бирровга" келадиган машҳур кўшиқчилар, тўйхонани безатувчилар, бир неча видео, сураткашлар... Катта харajatлар талаб этадиган бу каби рўйхатни узок давом эттириш мумкин. Қолаверса, тўйнинг дастурхонлар пули ҳам манаман деган одамнинг белини синдиришда.

— Тўйларимиздаги (Давоми. Боши 1-бетда).

ортиқча удумлар нафақат ҳаменимиз, балки қолиғимизга ҳам зарар етказмоқда, — деди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиёва вилоятдаги маҳалла фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари.

қочибди. Кимларнингдир соғлиғига путур етказадиган бу каби исрофгарчиликларнинг олдини олишда маҳалла маслаҳатчилари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш керак. Ҳақиқатан ҳам бундай ҳамкорлик самара бер...

КИМЎЗАРГА ПОЙГА Нодира билан Зухра қалин дугона. Мактабда ҳам, коллежда ҳам бирга ўқишган. Энди бир жойда ишлашяпти. Қизиги шундаки, совчилар ҳам икковига бир кунда келди, Нодирага ўз кишлогидан, Зухрага шаҳардан...

қув нималар олиб берганини кўпиртириб мактан, кизларнинг оғзи очилиб қолди. "Менга биринчи учрашувимиздан совға қилди", деди Зухра ўнг қўлини чўзиб бармоқларини кўрсатаркан. Зухранинг кўлида ял-ял ёниб тур...

зандларнинг кўнглига қараган ота-оналар келгусида тўй қиладиган бошқа оилаларни (айниқса, кам таъминланган) оғир ахволга солиб қўяётганларини наҳотки ўйлаб кўрмаса?! Келин-куёвга соатига фалон сўм тўланадиган машиналарда айланш урф бўлса, кимдир улардан ҳам ўзмокчи бўлиб, "файтон" буюради. Яқинда йиғинлардан бирида келиннинг тўйда келгани ҳақида гап бўлиб қолди. Нима, биз араб мамлакатларида яшаймизми ёки ўзимизнинг бутун дунё ҳавас қиладиган миллий удумларимизни унутиб, биз араб сериалларидан ўрнак олаймизми?! Бу кетишда ҳадемай келин вертолёт ёки самолётда келса ҳеч ким ажабланмаса керак. Худди "Олтин балик" эртагидаги кампирнинг туганмас хархашалари каби.

ДАБДАБА ОБРЎ КЕЛТИРАДИМИ?



ри билан бўлган учрашувда. — Узоққа борма, Бекободдаги воқеани олиб кўрайлик. Келин томон қув навкарларини куттишда дастурхонга тўш, қолбаса қўйишаркан. Бу маҳсулотлар иссиқда уриниб қолган экан, уни тановул қилган йигитларнинг мазаси...

риши аниқ, қолаверса, маҳалла фуқаролар йиғинининг тўй, маросим ва маъракаларни ўтказиш комиссияси ишини жонлантириш керак. Акс ҳолда тўйларимиз исрофгарчиликлару ёқа ушлатадиган янги удумлар билан бойиши аниқ.

Йигит билан учрашувга чиққанларнинг эртаси кун уларни ишхонадаги қизлар ўра олишиб, саволлар билан бошларини қотиришди. Зухра қайси ресторанга боришаркан қайси дўконларга киришаркан, нималар кўрганларини бўлажақ...

ган узук қизларнинг хайратини янада оширди.

— Нодира, қув бола сенга қандай узук совға қилди? — деб сўраб қолди қизлардан бири.

— Узукда узук-да, — деди ранги қув ўчган Нодира, — уйга ташлаб келганман.

Шу кун ишдан қайтган, Нодира уйда шундай жанжал кўтардики, ота-онаси: "Айтганингдек узук, зирак олиб берамиз", деб зўрга тинчиди. Шундан кейин то тўйгача Зухра нима олса, у ҳам шуни хохлаб, ота-онасининг тинкасини қуритди. "Тўй бузилмасин, маҳалла-қўй олдида бошимиз эгилмасин", деб ота-она унинг барча хархашаларини кўтаришга мажбур эдилар...

Бахт буюмдами ёки охири кўринмайдиган орзу-ҳавасларда? Фар...

Энди бугеги ўзингизга ҳавола. "Чўнтак кўтарар" тўй қилиб, кейин маза қилиб яшаш ҳам, "ким-ўзар" пойғасига қўшилиб, охир-оқибат йиллаб қарз ботқоқидан чиқолмай, эзилиб яшаш ҳам ўз кўлингизда. Чунки тўй хар қанча дабдабали бўлмасин, бир кунда ўтади-кетди. Ҳаёт эса давом этади.

Жамила АРСЛОНОВА.

Bolalik bog'i

RUSTAMNING TUSHI

Rustam g'alati tush ko'rib uy' onib ketdi. Darsliklari osmonda laylak singari qanot qoqib uchib yurganmish. Ularining ko'zlari bormish, duv-duv yosh to'kilayotganmish. "Bizni qutqaring", deb Rustamga iltijo qilisharmish. Rustam esa kitoblarga talpinar, lekin ularga qo'li etmashmish. Darsliklar birdan musichadek ku-kulab yuborishibdi. Shu payt Rustam uy' onib ketdi va allaqachon tong otganini, hovlidagi daraxtda bir juft musicha ku-kulayotganini ko'rdi.

Rustam anchagacha xayol surib yotdi. Yaqinda maktabga chiqishini esladi. Qanday darsliklar berisharkin? Sahifalari chizilgan, muqovasi ko'chgan bo'lmashmikan? Bular haqida hech o'ylamagandi-ku! Balki bosmaxonada ishlayotgani shunday tush ko'rishiga sabab bo'lgandir.

Rostdan ham kitob tayyorlash oson ish emas ekan. Buni u ta'til paytida bosmaxonada ishlab bildi.

Avval yozuvchi kitobni yozib, nashriyotga berarkan. Nashriyot muharriri kitob qo'yozmasini tahrir qilib, xatolarini tuzatgandan so'ng uni bosmaxonaga topshirarkan. Bosmaxona ishchilari tayyor kitob maketini katta mashinada bosishga olishar ekan.

Rustam bu jarayonning hammasini kuzatdi. O'nlab ishchilarning qanday mehnat qilishayotganini ko'rdi...

Matluba degan ayol bosmaxona xeslarini tomosha qildirgach, Rustamni katta bir xonaga olib kirdi. Xona kitob varaqlari bilan liq-liq to'lgan, erkaguni ayol ishchilar qator o'tirib olishib, shu varaqlarni ketma-ket tartibga solishar, buklashib, keyin chiroyli muqovalar orasiga solib qo'yishardi. Bu ishlar shunchalik mayda va ko'p mehnat talab qilardiki, Rustam hayron qoldi. Voy-bo', deb o'yladi u, kitobni tayyorlash shunchalik qiyin ekan-ku, biz bolalar uni yirtib, qadriga etmas ekanmiz.

Ko'z oldiga sindfodshi Ahmadjonning kitob sahifalari chetiga koptogu, futbolchilarning suratlarini chizib tashlagani keldi. Ahmadjon futbol ishqiboz, shuning uchun darsda ham yonidagi sindfodshi bilan ko'pincha futbol to'g'risida gaplashib o'tiradi. O'qituvchi sezib qolib: "Qani Ahmadjon, hozir men nima dedim?", deb so'z rasta, "Siz dars o'tyapsiz", deydi quvik qilib, sira to'g'ri javob bermaydi. Muallimning ensasini qotiradi. Baholari ham nuqul "uch", shu sabab o'qituvchilar unga tanbeh berish bilan ish bitmasligini sezib, ko'pincha indamay qo'ya qolishadi. Ahmadjon bo'lsa juda jim o'tirsa, kitobga rasm chizadi. Doskaga chiqish oldidan varaqlarini yirtib, shpargalka qiladi.

Bir kuni Rustam Ahmadjon bilan urishib qoldi. Tanaffusga chiqishganda Ahmadjon parta ustida turgan tarix kitobini olib, varag'ni quvik yasadi, keyin uchinchi qavatdagi sinf xonasidan pastga uchirib yubordi. Buni ko'rib qolgan Rustamning jahli chiqdi. — Noinsof, — dedi u titrab-qaqshab. — O'zingniki qolib, endi mening kitobimni xor qilayapsanmi? Men senga ko'rsatib qo'yaman hozir! U shunday deb birdan Ahmadjonga yopishdi, itarib yiqitdi. Ustiga chiqib olib, yuzini erga ishqalamoqchi bo'ldi. Bunday daf'atan zarbani Ahmadjon kutmagan ekan shekilli, Rustamga qaraganda baquvvat, gavdali bo'lishiga qaramay dovdirab qoldi. Ko'zlarini olakula qilib, zo'r berib raqibi changalidan qutulishiga intildi. Unga sayin ular atrofidagi tomoshabin ko'payib ketgan, biri: "Bo'sh kelma, Ahmadjon", desa, ikkinchisi: "Sol tumshug'iga uni", deb Rustamga yon bosardi. Qo'ng'iroq chalinib, xonaga muallim kirib keldi. Shunda ham ular dumalashib mushtlashishardi. O'qituvchining: "Bas qilinglar", degan gapidan so'ng ular o'zlariga kelishdi va indamay erdan turishdi. "Qani, nima gap?" dedi muallim o'shanday ohangda. Shunda bolalar chug'urashib biri Ahmadjonni ayblasa, ikkinchisi: "Rustam boshladi!", dardi. Rustam varaqlari yirtilib ketganidan yurpa tortgan kitobini ko'rsatganida hamma gapni tushundirib va Ahmadjonga qarab: "Sen bola, ertaga otang yoki onangni boshlab kelmasang, darsga kiritmayman", deb ro'pisa qildi. Shu-shu ikki o'rtoq "po'm" chiqishdi. Balki o'sha voqealar sabab, Rustam tushida yig'layotgan kitoblarni ko'rgandir. Rustam bosmaxonada ishlayotganida bu voqealar bot-bot yodiga tushdi. U har kuni ishdan uyiga qaytarkan, qo'llarida mador qolmas, ayniqsa, kitob varaqlarini buklagan barmoqlari ziriilab og'iridi. Bir oy davomida Rustam tayyor kitoblarni aravachada omborxonaga tashdi. Xullas, nimaiki ish bo'lsa, hammasini kuchi etgancha bajardi. Qoyil-e, do'konda endi odamlar sotib oladigan kitoblarni bunyodga kelishida Rustamning ham hissasini bo'ladi. Bundan u juda faxrlanadi. Eh, hammadan bu ishlarni Ahmadjon ko'rish kerak edi-da. Shunda o'zini u yoqda tursin, biroving kitoblarini ham ko'z qorachig'idek asardi. Maktabda muallim: "Qani bolalar, ta'tilda kim qaerda bo'ldi? Nima ish bilan shug'ullandi?" deb so'z rasta, Shunda Rustam qo'lini birinchi bo'lib ko'tardi. Yozgi ta'tilda bosmaxonada ishlagani, u yerdagi turli kitob bosuvchi mashinalar, va albatta, ularni yurgizayotgan ishchilar, o'ziga ustozlik qilgan Matluba opa haqida so'zlab beradi. Hamma bolalar og'izlarini ochib, hayron bo'lib qolishsa kerak. Ana shundan keyin balki kitobga chizadigan, yirtadiganlar ancha kamayar. Darsliklarni chiroyli qog'ozlarga o'rab, avaylab, ehtiyot qilib saqlashar. Axir bir kitob uchun qancha odam mehnat qilishi kerakligini endi yaxshi bilib olishdi-ku. **Abdusattor HOTAMOV.**

qolgan Rustamning jahli chiqdi.

— Noinsof, — dedi u titrab-qaqshab. — O'zingniki qolib, endi mening kitobimni xor qilayapsanmi? Men senga ko'rsatib qo'yaman hozir!

U shunday deb birdan Ahmadjonga yopishdi, itarib yiqitdi. Ustiga chiqib olib, yuzini erga ishqalamoqchi bo'ldi. Bunday daf'atan zarbani Ahmadjon kutmagan ekan shekilli, Rustamga qaraganda baquvvat, gavdali bo'lishiga qaramay dovdirab qoldi. Ko'zlarini olakula qilib, zo'r berib raqibi changalidan qutulishiga intildi. Unga sayin ular atrofidagi tomoshabin ko'payib ketgan, biri: "Bo'sh kelma, Ahmadjon", desa, ikkinchisi: "Sol tumshug'iga uni", deb Rustamga yon bosardi.

Qo'ng'iroq chalinib, xonaga muallim kirib keldi. Shunda ham ular dumalashib mushtlashishardi. O'qituvchining: "Bas qilinglar", degan gapidan so'ng ular o'zlariga kelishdi va indamay erdan turishdi. "Qani, nima gap?" dedi muallim o'shanday ohangda. Shunda bolalar chug'urashib biri Ahmadjonni ayblasa, ikkinchisi: "Rustam boshladi!", dardi. Rustam varaqlari yirtilib ketganidan yurpa tortgan kitobini ko'rsatganida hamma gapni tushundirib va Ahmadjonga qarab: "Sen bola, ertaga otang yoki onangni boshlab kelmasang, darsga kiritmayman", deb ro'pisa qildi.

Shu-shu ikki o'rtoq "po'm" chiqishdi. Balki o'sha voqealar sabab, Rustam tushida yig'layotgan kitoblarni ko'rgandir. Rustam bosmaxonada ishlayotganida bu voqealar bot-bot yodiga tushdi. U har kuni ishdan uyiga qaytarkan, qo'llarida mador qolmas, ayniqsa, kitob varaqlarini buklagan barmoqlari ziriilab og'iridi. Bir oy davomida Rustam tayyor kitoblarni aravachada omborxonaga tashdi. Xullas, nimaiki ish bo'lsa, hammasini kuchi etgancha bajardi. Qoyil-e, do'konda endi odamlar sotib oladigan kitoblarni bunyodga kelishida Rustamning ham hissasini bo'ladi. Bundan u juda faxrlanadi.

Eh, hammadan bu ishlarni Ahmadjon ko'rish kerak edi-da. Shunda o'zini u yoqda tursin, biroving kitoblarini ham ko'z qorachig'idek asardi. Maktabda muallim: "Qani bolalar, ta'tilda kim qaerda bo'ldi? Nima ish bilan shug'ullandi?" deb so'z rasta, Shunda Rustam qo'lini birinchi bo'lib ko'tardi. Yozgi ta'tilda bosmaxonada ishlagani, u yerdagi turli kitob bosuvchi mashinalar, va albatta, ularni yurgizayotgan ishchilar, o'ziga ustozlik qilgan Matluba opa haqida so'zlab beradi. Hamma bolalar og'izlarini ochib, hayron bo'lib qolishsa kerak. Ana shundan keyin balki kitobga chizadigan, yirtadiganlar ancha kamayar. Darsliklarni chiroyli qog'ozlarga o'rab, avaylab, ehtiyot qilib saqlashar. Axir bir kitob uchun qancha odam mehnat qilishi kerakligini endi yaxshi bilib olishdi-ku. **Abdusattor HOTAMOV.**



Бирон бир кизни келин қилиш ниятида бўлганлар албатта у ҳақида "қўли ширин ва пазанда" деган таърифни эшитилари келадди. "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши қошида Ёшлар ижтимоий хизматлари марказлари ташкил этилгани айни мuddао бўлди. Бу марказларда очилган "Па...

зандачилик" тўғрақларида қизлар антиқа таом, пишириқ ва салатлар тайёрлашни ўрганишяпти. Шу билан бирга ошхона юришти, гиёена ва тозалikka rioya қилиш қоидалари, овқатланиш тартиби, оилавий ҳаётга тайёрланиш сирлари билан ҳам таълимлашяпти. **Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

Жиноятга жазо муқаррар

Бугун одам савдоси дунё ҳамжамиятини ташвишга солиб турган долзарб муаммолардан биридир. Бунда маълум доира шахслар фойда кўришга интилса, бошқалар эса ҳам моддий, ҳам маънавий зиён кўради. Инсонни бамисоли бир буюмдек сотиш, ёллаб ишлаш, эркига қарши бўлган ҳолатларда фойдаланиш қай даражада жirkanч эканлиги эндиликда барчага маълум.

Афсуски, бундай нопок иш билан шуғуланувчи кимсалар ўз манфаатлари йўлида инсонийликни ҳам унутмоқдалар. Улар одамларни алдаб, турли йўллар билан хорижий юртларга чақириб ёки ўзлари билан бирга олиб кетиб, бошқаларга сотиб юбормоқда. Биламизки, алдовнинг маккор тўрига илиниб қолган кишиларнинг пушаймо...

АЛДОВНИНГ МАККОР ТЎРИ

ни чексиз. Улар оғир меҳнат, ноқулай шароит, ҳақорат ва ноҳақликларга чидаёлмаётган тўтунликдан қочиб қуришга уринади. Сўнгра, ёрдам сўраб ота-оналари ва яқинларига муурожаат этадилар. Аслида, бундай кишиларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қиладиган ҳақиқий халоскор фақат қонундир. Пискентлик 1972 йилда туғилган Мавлуда Умиркулова мана шундай жirkanч йўл билан бойлик орттиришни ният қиладди. У қозогистонлик номаълум шахслар билан олдиндан тўй бириктириб, ишлаш учун пул эвазига одам топиб беришни ваъда қилди. Уларнинг розилигини олган М. Умиркулова Бўка туманида яшовчи узокроқ таниши бўлган Гулнора Солиеванинг олдига келиб,

унинг вояга етмаган фарзандлари — 1997 йилда туғилган Дилдора ва 2000 йилда туғилган Элмуродларга иш тоғланлигини айтди. Одамфурӯш болаларнинг онасини яхши гаплар билан алдаб, улар Қозогистонда ишласа ойига 600 минг сўмдан 1 миллион 200 минг сўм маош олишини айтди. М. Умиркулованинг гапларига ишонган Г. Солиева вояга етмаган фарзандларини қандай қилиб унинг қўлига топширганини ўзи ҳам билмай қолади. Мақсадига эришган М. Умиркулова Сирдарё вилояти Қозогистон Республикаси билан чегара ҳудудидаги айланма йўллар орқали икки болани қўшни давлатга олиб чиқиб кетди. Келишувга кўра М. Умиркулова вояга етмаган Дил-

дорани Қозогистон Республикасининг Еттисой туманидаги кафелардан бирида, Элмуродни эса савдо дўкони эгасига маълум миқдордаги пул эвазига сотиб, ўзи қайтиб келади. Лекин, Дилдора ва Элмурод бир ой ишласалар-да, маошдан дарак бўлмади. Иш ҳақларини сўраганларида эса, хўжайинларидан тайинли жавоб ололмадилар. Шундан сўнг улар бу ҳақда оналарига хабар бериб, бу жойдан тезорик олиб кетишларини сўрашади. Болаларидан хавотирга тушган Г. Солиева дарҳол тегишли жойга муурожаат қилди. Тезкор кидирув ва суриштирув жараёнида болалар қаердалиги аниқланди, Дилдора ва Элмурод ўз юртларига қайтарилди. Қонунлари устувор юрtda

жиноят жазосиз қолмайди. Ҳар қандай ноқонуний иш фoш этилади. М. Умиркулованинг қилишларини атрофида қўриб чиққан жиноятчилар пул эвазига Тошкент вилoяти суди ажрим чиқарди. Унга кўра М. Умиркуловага 2 йил синов муддати белгиланди. Бир қарашда оилали, бола-чақали аёлга бу жазо ҳам кўп. Инсонпарварлик тамойиллари устувор мамлакатимизда оила, фарзанд тарбиясига жиддий эътибор қаратилади. Суд М. Умиркулованинг тўрт фарзанди борлигини инобатга олиб, унга енгилик ҳамда ҳаётда тўғри йўлни топиши учун имконият берди. Фақат, М. Умиркулова бундай инсонпарварлик ва олижанобликдан ўзига тўғри хулоса чиқариб олса бас. **Наврўз ДАВЛАТОВ.**



FAZO SEKTORIDA ХУНРЕЗЛИК Фаластиннинг Газо секторида юз берган портлаш оқибатида Исроилнинг уч ҳарбий хизматчиси ҳалок бўлганлигини маълум қилди The Jerusalem Post.

Мудофаа вазирлиги маълумотларига қараганда, портлаш оқибатида яна 27 ҳарбий хизматчи жабрланган. Портловчи қурилма уйлاردан бирига ва унга элтувчи йўлакка ўрнатилган экан.

Шундай қилиб, ўтган уч ҳафтадан буюн Исроил армияси 56 ҳарбий вакилини йўқотди. Шунингдек, Фаластин жангариларига қарши курашда тинч аҳоли орасида қурбон бўлганлар ҳам бор. Сўнгги маълумотларга қараганда, ҳалок бўлган фаластинликлар 1300 кишидан ошган.

ХАМАС радикал гуруҳига қарши операция 7 июлда бошланган эди. Исроил боз вазири Биньямин Нетаньяху ХАМАС гуруҳи тўла йўқ қилинмагунча Газо секторидagi операцияларни давом эттириш ҳақида фармойиш берди.

ЎЗЛАРИ ҚАЗИГАН ЧОҲГА ТУШИШДИ Каир шаҳрига туташ жойда кучли портлаш содир бўлгани оқибатида уч киши ҳаётдан кўз юмди. Reutersнинг маълум қилишича, улар террорчилар бўлиб, ўзлари тайёрлаган бомба қурбонига айланган.

Маҳаллий полиция берган маълумотларга кўра, террорчилар бомбани машинада олиб кетишяётган пайtda йўл носозликлари туфайли детанацияга учраган ва портлаш юз берган. Мисрнинг қуролли кучлари вакиллари ушбу бомба Каирда қўпурувчиликни амалга ошириш мақсадида тайёрланганини тахмин қилишмоқда. Айни пайtda полиция ҳалок бўлганларнинг шахсини ўрганмоқда.

Муҳаммад Мурсий Миср президентлиги лавозимидан четлатилган, мамлакатда галаёнлар бошланди. Ҳукумат вазиятни ўнглаш учун бор имкониятларни ишга солмоқда. Мурсий аъзо бўлган "Мусулмон биродарлар" ҳаракати аъзолари оммавий норозилик акцияларини уюштириб, Мурсийни ўз лавозимига қайтаришни талаб қилмоқдалар. Янги ҳукумат бунга жавобан ислом тақлимотига қарши босимни кучайтирди. Жумладан, "Мусулмон биродарлар"ни террорчи ташкилот деб эълон қилди ва ҳаракатнинг минглаб аъзоларини ҳибсга олди. Шу йилнинг март ойида Миср суди 529 нафар Мурсий тарафдорларини ўлим жазосига ҳукм қилди.

ТОЙОТА АВТОКОНЦЕРНИНИНГ ЯНГИ РЕКОРДИ

Toyota Motorнинг маълум қилишича, 2014 йилнинг биринчи ярмида бутун дунё бўйлаб 5,09 миллионга автомобиль сотилиб, янги рекорд натижага эришилди. Маълумотларда келтирилишича, ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан савдо 3,8 фоиз ўсган. Бундан ташқари, корпорация бу йилги ярим йилликни компания тарихидаги энг самарали йил деб эълон қилди.

Bloomberg агентлигининг таъкидлашига кўра, январь-июнь ойлари давомида Тойота ўзининг асосий рақобатчиси бўлган Volkswagen AG компаниясини орtda қолдирди. Шу даврда ушбу компания 4,97 миллионга автомобиль сотди.

Тойота сотишининг АҚШдаги бўлинимси собиқ раҳбари Жим Пресс ушбу икки компания савдосидаги фарқни изоҳлар экан, Тойота Volkswagenдан фарқли ўларoқ АҚШнинг автомобиль бозорларидаги вазиятни яхши ўрганган.

ГОНКОНГДА ЭБОЛА БЕЗГАГИ АНИҚЛАНДИ

Мамлакатда биринчи марта Эбола безгагига чалинган аёл аниқланди. Бемор тезда ўзгалардан ажратилиб, айни пайtda врачларнинг доимий назорати остида сақланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда ушбу безгак тарқатган жой асосан Фарбий Африка ҳисобланарди. Хусусан, бу ерда мингдан зиёд одам Эбола безгагига чалингани аниқланган ва уларнинг 660 нафари ҳаётдан кўз юмган.

Шу боис, бир қатор мамлакатларнинг туризм хизматлари ўз фуқароларига ушбу касаллик аниқланган мамлакатларга саёхатларни бекор қилишни тавсия этмоқда. Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилoяти ҳoқимлиги Бош муҳаррир: Убайдулла АБДУШОҲИДОВ Манъилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Мабуудчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru Телефонлар: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс); 233-12-83, 233-48-08; 233-56-03, 233-65-59; 233-54-10. Тошкент вилoяти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Навбатчи муҳаррир: Ҳасанбой САБДУЛЛАЕВ Навбатчи: Наргис ҲАСАНОВА Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-542. Адади 8517. Баҳоси келишилган нарҳда Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Белгилли материаллар — тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи бoсmaxонасида бoсилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Бoсмишга топшириш вақти — 20.00. Бoсмишга топширилди — 19.10.